

# ШАРТНОМА № 76/12

Тошкент ш.

« 19 » декабр 2022 й.

Тузамиз ушбу шартномани бир томондан товар ва маҳсулотларни Сотувчи "**SAXOVAT-RIZO" МЧЖ** бундан буён матнда «Сотувчи» деб аталувчи номидан раҳбари Иногамов Б.Б. фаолиятини амалга оширувчи бир томондан ва **Хоразм вилояти ИИБ ЖXX ЙXXB Маҳсус эксплуатасия-монтаж бўлими** бундан буён матнда «Харидор» деб аталувчи номидан бошлиғи Ж.Р.Отамуратов фаолиятини курсатувчи, иккинчи томондан, куйидагилар тугрисида ушбу шартномани тузишди.

## 1. Шартнома предмети

1.1. «Сотувчи» узига тегишли мол-мулкни «Харидор» нинг мулки килиб (доимий хужалик юритувчи ёки бутунлай бошқарувига) беради, «Харидор» эса мол-мулкнинг хаки тулангандан кейин олиш мажбуриятини олади.

1.2.

№	Маҳсулот тури	Ул.бир	Микдори	Нархи	Сумма	ККС 15%	Умумий киймати
1	Светофор транспортный диодовый д. 300 мм.	Дона	50	2695652,17	134782608,7	20217391,30	155000000
2	Светофор пешеходный диодовый д. 300 мм.	Дона	40	1912956,52	76518260,87	11477739,13	87996000
ЖАМИ					<b>211300869,57</b>	<b>31695130,43</b>	<b>242996000</b>

## 2. Шартнома нархи, баҳоси, суммаси (киймати)

2.1. Шартноманинг умумий киймати 242 996 000 (Икки юз кирк икки миллион туккиз юз тўқсон олти минг) сўмни ташкил киласи.

## 3. Тулов шартлари

3.1. Шартнома амалга ошгандан сўнг «Харидор» «Сотувчи» нинг хисоб-ракамига шартноманинг курсатилган умумий суммасидан 30% фоиз (аванс) микдорида пул маблагини олдиндан ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади қолган 70% (фоиз) қисмини «Сотувчи» томонидан ишлар тўлиқ бажарилиб, ҳисоб –фактураларни тақдим килингандан сўнг амалга оширилади.

3.2. Тулов тури \_\_\_\_\_ тулов топширикномаси \_\_\_\_\_  
(тулов талабномаси, тулов топширикномаси, чек аккредитив ва бошкалар)

## 4. Шартноманинг бажарилиш муддати

4.1. Шартноманинг 1.2-бандида курсатилган маҳсулот «Сотувчи» га 30% фоиз аванс тўлови ўтказилгандан кейин 10 кун ичидаги бажарилиши шарт.

4.2. Шартноманинг амал килиш муддати: 2022 йил «19» декабрдан 2022 йил «31» декабргача уз кучида колади.

## 5. Таравлар хукуклари

5.1. «Харидор» нинг хукуклари:

5.1.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотларни уз вактида ва сифатли маҳсулотни етказишини «Сотувчи»дан талаб килишга:

5.1.2. «Сотувчи» дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб килишга хаклидир.

5.2. «Сотувчи»нинг хукуклари:

5.2.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган маҳсулотлар учун олдиндан хак тулашни ва амалдаги шартнома ва конун хужжатларида белгиланган тартибда хисоб-китобларни амалга оширишни «Сотувчи» дан талаб килишга:

5.2.2. «Харидор» дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, маҳсулотни кабул килишда асоссиз равиша рад килиш натижасида етказилган зарарни талаб килишга хаклидир.

## 6. Таравлар мажбуриятлари

6.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

6.1.1. Шартномада курсатилган талабларга риоя килган холда уз вактида «Харидор» га маҳсулотни етказиб бериш;

6.1.2. Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилганлиги тугрисида билдириш (хабарнома) олгандан сунг сифатли булмаган мол-мулкни 1 кун ичидаги алмаштириб бериш ёки Ушбу шартноманинг 1.2-бандига асоссан сифатли булмаган маҳсулот баҳосини кайтариб бериш.

6.2. «Харидор» мажбурияти:

6.2.1. Маҳсулотни кабул килиш далолатномасини тузган холда Ушбу шартномада ва конун хужжатларида белгиланган бутлаш тартибга, сонига, сифатига караб муддатида маҳсулотни кабул килиб олиш;

6.2.2. Тегишли даражада сифатли булмаган маҳсулот келиб тушгани аниклангандан кейин, бу хакда далолатнома ёзилиб 24 соат ичидаги Сотувчини огохлантириш.

6.2.3. Маҳсулотни баҳосини ушбу шартномада белгиланган микдорда ва муддатда тулаш.

## 7. Таравлар жавобгарлиги

7.1. Маҳсулот бериш вактида риоя килмаганлиги учун айбор тараф башка тарафга етказилган зарарни тулиқ коплайди ва 0,4 % микдорда пеная тулади.

7.2. «Сотувчи» маҳсулотни тулиқ етказиб бермaganлиги учун «Харидор»га етказиб берилмаган хар кун учун маҳсулот баҳосидан 0,4 фоиз пеная тулади.

7.3. Шартнома талабларида курсатилган сифатлардаги хамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган булса, айбор тараф шартнома умумий суммасини 0,4 % микдорида пеная тулади.

7.4. Тегишли даражада сифатли булмаган мол-мулкни уз вактида алмаштиришдан бош тортса, «Сотувчи» шартнома суммасини 0,4 % микдорида жарима тулади.

7.5. Махсулот учун «Харидор» уз вактида ёки тулик туловни амалга оширмаса маблаг микдоридан 0,4 фоиз пена тулайди, лекин пения микдори туланмаган маблагни 50 % микдоридан ошиб кетмаслиги керак.

7.6. «Сотувчи» омборидан уз вактида мол-мулк олиб чикиб кетилмаса ,агар бу томонларнинг келишиувига асосан кузда тутилган булса «Харидор» хар бир утказиб юборилган кун учун «Сотувчи»га омборда сакланганлигидан келиб чиккан зарарни ва шартнома суммасини 0,4 % микдорида жарима тулайди.

7.7.Неустойка (жарима) тулаш тарафларни шартномада курсатилган мажбуриятларни бажаришда озод килмайди.

## 8. Форс-мажор холатлари

8.1.Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида узига боғлик булмаган сабабларга кура ва енгиб булмас куч мавжуд булган тақдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлари буйича жавобгар эмас. Уруш эълон килиниши ёки бошланиши,фукоралар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимирилаши, сув тошкини, ёнгин ва бошка табиий оғатлар шулар жумласидандир.

8.2.Агар бартараф килиб булмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, арафлар, бир-бирини ёзма радиша огохлантирилиб, шартноманинг ижросини бекор килиши мумкин.

## 9. Низони хал килиш тартиби

9.1.Ушбу шартномада ёки унга боғлик масалалар юзасидан келиб чикадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан хал килинади.

9.2.Тарафларнинг келишуви билан хал килиб булмайдиган низолар конун хужжатларида белгиланган тартиба хужалик суди оркали хал килинади.

## 10. Шартномага узгартериш ва күшимчалар киритиш тартиби

10.1.Ушбу шартномага киритилган барча узгартериш ва күшимчалар факат иккала тараф томонидан ёзма радиша тузилиб,имзо кўйилгандан кейингина юридик кучга эга булади.

10.2.Шартномани тарафларнинг узаро келишиувига асосан Узбекистон Республикаси Фукоралик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган холда муддатидан илгари бекор килиш мумкин.

## 11.Бошка холатлар

11.1.Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга булиб икки нусхада тузилган.

11.2.Тарафларнинг бошка талаблари:

11.3.Шартномага илова:

## 12.Тарафларнинг юридик манзилгохи ва тулов реквизитлари


«Бажарувчи »

«Буюртмачи»

“SAXOVAT-RIZO” MCHJ	Хоразм вилояти ИИБ ЖХХ ЙХХБ Махсус эксплуатация-монтаж бўлими
Манзили: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани Шимолий Олмазор кўчаси 15 уй	<b>Манзили:</b> Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси 198-уй.
<b>Тел/факс:</b> 300-47-38	<b>Тел/факс:</b> 62-225-85-86
<b>X/p:</b> 2020 8000 3043 6553 6001	<b>X/p:</b> 401010860334017031101179007
<b>СТИР:</b> 205 277 026	<b>СТИР:</b> 202507247
<b>ИФУТ:</b>	<b>ИФУТ:</b>
<b>Банк:</b> Алмазар ф-л АКИБ Ипотека банк г.Ташент	<b>Банк:</b> Урганч шаҳар Марказий банкнинг Хоразм вилоят XKKM
<b>МФО:</b> 00901	<b>МФО:</b> 00027
<b>ОКЭД :</b> 26110	
<b>ККС коди:</b> 326090019810	

Рахбар

Б.Б.Иногамов



(имзо)



М.Ў.

Ж.Р.Отамуратов

(имзо)

М.Ў. М.Гарипов

NAZORAT

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI  
RAHBARI**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Ариповга

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси  
(Р.А.Гулямов, Б.Д.Исламов, Б.М.Мавлоновга)

Вазирлар Маҳкамаси (А.Ж.Раматов, Ж.А.Кўчкоров, Ш.М.Ганиевга)

Ҳисоб палатаси (Б.Т.Турабовга)

Ички ишлар вазирлиги (П.Р.Бобоҷоновга)

Адлия вазирлиги (Р.К.Давлетовга)

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi,  
вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига


Вазирликлар ва идоралар раҳбарларига (рўйхат бўйича)

Жорий йил 3 май куни Тошкент шаҳрининг йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳалари ҳамда Ички ишлар вазирлигининг Ситуацион-тахлилий маркази фаолияти билан танишиш жараёнида берилган топшириклар Баён тўғрисида **Давлат Раҳбарига ахборот берилди.**

Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларига Баён топшириклари ижросини белгиланган муддатларда ва сифатли таъминлаш учун **шахсан масъул эканликлари кўрсатиб ўтилди.**

Вазирлар Маҳкамаси ва Ҳисоб палатаси раҳбариятига Баён топшириклари бажарилишини шахсан назоратга олиб, **хар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ахборот киритиб бориш топширилди.**

Д.Кадиров, Ў.Жуманов, А.Рахмоновга – назорат



**З.Низомиддинов**

2022 йил “13” май  
№ 02-РА 1-7533

ХАСОНОШЕННИЕ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг  
2022 йил 3 май куни Тошкент шаҳрининг йўл-транспорт  
инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳалари, Ички ишлар  
вазирлигининг Ситуацион-таҳлилий маркази фаолияти билан  
танишиш ҳамда фаоллар билан ўтказилган мулоқотлар  
жараёнида берилган топшириклар бўйича

39 - сонли БАЁН

**Раислик қилди:**      **Ш.М.Мирзиёев – Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**Қатнашганлар:** Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Ўзбекистон  
Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари,  
Президент маслаҳатчилари ва уларнинг ўринбосарлари,  
вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари,  
Тошкент шаҳар секторлари раҳбарлари, фаоллар ва  
маҳалла фуқаролар йигинлари раислари (*рўйхат бўйича*)

#### КУН ТАРТИБИ:

**Тошкент шаҳрида йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш,  
тиrbандликларнинг олдини олишга қаратилган лойиҳаларни  
жадаллаштириш ва Ички ишлар вазирлигининг Ситуацион-таҳлилий  
маркази фаолиятини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида**

(Мирзиёев, Арипов, Махмудов, Йўлдошев, Комилов, Бобожонов, Джураев, Артиқходжаев,  
Закиров, Махкамов, Ишметов, Шерматов, Абдувалиев, Мирзиёев)

Тошкент шаҳрида янги транспорт боғламаларини барпо этишга  
қаратилган қурилиш ва бунёдкорлик ишлари, жумладан Яккасарой туманини  
Сергели тумани билан боғловчи янги йўл ўтказгич ва автомобиль йўли  
курилиши, маҳаллалардаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш  
ишлари, шунингдек, Ички ишлар вазирлигининг Ситуацион-таҳлилий  
маркази фаолияти билан танишиш давомида берилган топшириклар ҳамда  
билдирилган таклифларни инобатга олган ҳолда, қарор қилинди:

1. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артиқходжаев)нинг Тошкент шаҳрининг  
Яккасарой туманини Сергели тумани билан боғловчи йўл ўтказгич  
ва автомобиль йўлини барпо этишда халкаро қурилиш нормалари  
ва талабларидан фойдаланиб лойиҳалаш ишлари амалга оширилганлиги  
ҳамда республикада биринчи марта монолит конструкцияли йўл ўтказгич  
ҳамда унга олиб борувчи уч тасмали 6,5 км узунликдаги автомобиль йўли  
барпо этилганлиги тўғрисидаги ахбороти **маълумот учун қабул қилинсин.**

2. Курилиш вазирлиги (Закиров) Транспорт вазирлиги (Махкамов), Автомобиль йўллари қўмитаси (Абдувалиев), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артиходжаев) билан биргаликда **уч ой муддатда** республикада йўл ва кўприкларни барпо этишда янги қурилиш нормалари ва стандартларини жорий этиш мақсадида миллий қурилиш нормаларига тегишли ўзгартириш ва кўшимчалар киритсин.

Бунда, янги қурилиш нормаларида кўприклар ва автомобиль йўлларини куришда фойдаланиладиган қурилиш материалларини маҳаллий иклимга мослиги, энерготежамкорлиги, ахоли учун қулай ва хавфсиз бўлишига эътибор қаратилсин.

3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артиходжаев), Қурилиш вазирлиги (Закиров) ва Автомобиль йўллари қўмитаси (Абдувалиев)нинг:

Яккасарой тумани, Бобур кўчасидан И.Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортига олиб борувчи йўл ўтказгични замонавий қурилиш стандартлари асосида қайта қуриш;

мазкур янги йўл ўтказгич қурилишининг икки усулдаги (монолит ва йифма темир-бетон конструкцияли) лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чикиш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжинииринг компаниясини буюртмачи этиб белгилаш;

буюртмачи томонидан маҳсус ахборот порталида танлов ўтказиш тўғрисида эълон жойлаштирумасдан ва харид килиш тартиб-таомилларини электрон шаклда ўтказмасдан, истисно тарикасида, Қурилиш вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг тегишли хуносасига мувофиқ бош лойиха ташкилотини белгилаш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни кисқартириш вазирлиги (Бобоев) Молия вазирлиги (Ишметов), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артиходжаев) билан биргаликда:

**бир ҳафта муддатда** янги йўл ўтказгич қурилишининг лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чикиш билан боғлиқ харажатларни 2022 йилги ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурида Ҳукумат топшириқлари доирасида ҳамда ишлаб чиқилаётган дастурлар учун назарда тутилган маблағлар хисобидан молиялаштирилишини;

**жорий йилнинг 15 июнига қадар** буюртмачининг асосланган хисоб-китобларига мувофиқ мазкур янги йўл ўтказгич қурилишининг молиялаштириш манбаларини аниқлаш бўйича асосланган таклифларни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

Курилиш вазирлиги (Закиров) Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артихходжаев), Автомобиль йўллари қўмитаси (Абдувалиев) билан биргаликда **2022 йил 1 августга қадар** Тошкент халқаро аэропортига олиб борувчи янги йўл ўтказгич курилишининг икки усулдаги (монолит ва йиғма темир-бетон конструкцияли) лойиҳа-смета хужжатларини **илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда**, давлат экспертизасидан ўтказсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясида тақдимот қилсан.

4. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артиқходжаев) Тошкент халқаро аэропортининг Тошкент-3 терминалига олиб борувчи С.Толипов ва Қумарик кўчаларини йўл бўйида пиёдалар ва велосипед йўлакларини барпо этиш, ташқи ёритиш восьиталарини ўрнатиш, ободонлаштириш, дренаж тизимини янгилаш ва барпо этишни назарда тутувчи реконструкция қилиш ишларининг лойиха хужжатларини ишлаб чиксин, курилиш-таъмирлаш ишларини жорий йил якунига қадар якунласин.

Белгилансинки, мазкур йўлни қурилиш-тъмирлаш ишлари бўйича:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси буюртмачи функциясини бажаради;

Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетидан қоплаш шарти билан жалб қилинадиган тижорат банклари кредитлари лойиҳани молиялаштириш манбаси ҳисобланади.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артиқходжаев)нинг Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчасидан Тошкент ҳалқа автомобиль йўлига чиқиш ва тушиш имконини берувчи ёрдамчи йўл ўтказгичларни барпо этиш ишлари бошланганлиги ҳамда ҳозирда қурилиш ишларини жадаллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинганлиги тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул килинсин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артиқходжаев) Курилиш вазирлиги (Закиров), Транспорт вазирлиги (Махкамов), Молия вазирлиги (Ишметов) билан биргаликда **икки ой муддатда** Бектемир шоҳ кўчасини Фарғона йўли кўчасидан Тошкент вилояти, Ўртачирчик туманига қадар бўлган қисмида йўлни кенгайтириш ва пиёдаларга қулайликлар яратиш мақсадида пиёдалар йўлаклари ва велосипедчилар йўлакларини барпо этиш, ташқи ёритиш воситаларини ўрнатиш ва ободонлаштириш ишлари ҳамда молиялаштириш манбаларини назарда тутган лойиха концепциясини ишлаб чиқиб, тақдимот материалларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артиқходжаев), Транспорт вазирлиги (Махкамов), Қурилиш вазирлиги (Закиров)нинг Тошкент шаҳри, Янги Сергели кўчасининг йўл бўйида пиёдалар ва велосипедчилар йўлаклари, ажратилган автобус йўлагини барпо этиш, ташки ёритиш воситаларини ўрнатиш ва ободонлаштириш ишларини кўзда тутган ҳолда тўлик реконструкция қилиш бўйича лойиҳа таклифи маъқуллансин.

Бунда, Янги Сергели кўчасида бажариладиган қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари доирасида:

лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаларидан зарур маблағ ажратсин;

курилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетидан қоплаш шарти билан жалб қилинадиган тижорат банклари кредитлари ҳисобидан молиялаштириш инобатга олинсин.

8. Автомобиль йўллари қўмитаси (Абдувалиев) ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артихходжаев) аҳолига қулайликлар яратиш ҳамда транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида Юнусобод туманидаги “Собиробод” МФЙ, Уч қаҳрамон кўчасини (Рихсили кўчасидан “Исломобод” МФЙ худудига қадар) Тошкент шаҳрида 2022 йил учун “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастури доирасида мукаммал таъмирлаш ишларини таъминласин.

Бунда, ушбу автомобиль йўлини мукаммал таъмирлаш ишларини қисқа муддатда амалга оширишни ташкил этиш учун, истисно тариқасида, “Йўл лойиха бюроси” МЧЖ – бош лойиха ташкилоти ҳамда “Тошкент кўприклардан фойдаланиш” УК – бош пудрат ташкилоти этиб белгилансин.

9. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артихходжаев)нинг:

Учтепа тумани, Фарход кўчасининг Тошкент кичик ҳалқа автомобиль йўлининг Бунёдкор кўчаси билан кесишибасидан Журжоний ва Саккокий кўчалари кесишибасига қадар қисмини реконструкция қилиш, ободонлаштириш, сайилгоҳ ташкил этиш, пиёдалар ва велосипед йўлаклари, дренаж ва суғориш тизимларини қуриш, чорраҳаларда “Акли светофорлар” ва йўл белгиларини ўрнатиш, йўл бўйида жойлашган кўп каватли уйларни фасадларини ягона архитектура қиёфасини яратган холда мукаммал таъмирлаш ва реконструкция қилиш, ободонлаштириш ҳамда йўл бўйида савдо ва хизмат қўрсатиш объектларини барпо этиш;

мазкур қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бўйича буюртмачи этиб Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниясини белгилаш ҳамда 2022 йил 31 декабрга қадар қурилиш-монтаж ишларини лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш билан бир вактда олиб бориш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Фарход кўчасини қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари доирасида:

Қурилиш ҳудуди жойлашган турар ва нотурар жой кўчмас мулк объектларини хатловдан ўтказиш натижасида ер участкалари давлат ва жамият эҳтиёжи учун олиниши муносабати билан мулкдорларга етказилган заарлар белгиланганд тартибда қоплаб берилади;

Тошкент шаҳрида 2022 йил учун “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастури доирасида йўлларни таъмирлаш учун назарда тутилган маблағларнинг иқтисод қилинган қисми, 2022-2024 йилларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг “ёпик қисми” доирасида Тошкент шаҳрига ажратилган маблағлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артиқходжаев) Қурилиш вазирлиги (Закиров), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Бобоев), Молия вазирлиги (Ишметов) билан биргаликда **бир хафта муддатда** Учтепа тумани, Фарҳод кўчасини қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини жадаллаштириш бўйича **Хукумат фармойиши лойихасини** ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (Қўчкоров), Молия вазирлиги (Ишметов), Автомобиль йўллар қўмитаси (Абдувалиев) уч **кунлик муддатда** 2022 йил Навоий вилояти бўйича Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритилган объектларда қурилиш-монтаж ишларини янада жадаллаштириш, шунингдек материаллар захирасини яратиш мақсадида 2022 йил ажратилган лимит маблағлар доирасида қўшимча 25% аванс маблағлари молиялаштирилишини таъминласин.

11. Бош вазир ўринбосари Ш.Ғаниев Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артиқходжаев) билан биргаликда Тошкент вилоятидан Бектемир ва Янгиҳаёт туманлари таркибиغا ўтказилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларида барпо этилиши режалаштирилган “Янги шаҳар” концепцияси асосида лойиҳа хужжатлари тўлиқ ишлаб чиқилиб, тасдиқлангунга қадар мазкур қишлоқ хўжалиги майдонларидан самарали ва белгиланган мақсадларда фойдаланиш чораларини кўрсин.

Тошкент шаҳар прокурори У.Қосимов Тошкент вилоятидан Тошкент шаҳри таркибиغا ўтказилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонларидан оқилона ва белгиланган мақсадларда фойдаланишини таъминлашга **шахсан масъул ва жавобгар этиб белгилансин.**

12. Бош вазир ўринбосари Ш.Ғаниев, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ходжаев), манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда **бир ой муддатда** Янгиҳаёт тумани маъмурий маркази қурилиши учун танланган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдонини тоифасини ўзгартириш масаласини Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ва ўрмон фонди ерларининг ер фонди тоифаларини ўзгартириш масалаларини кўриб чиқиб бўйича Хукумат комиссиясида кўриб чиқиб, **тегишли хужжат лойихасини** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

13. “Uzbekistan Airports” АЖ (Джураева)нинг республика оркали халқаро ва маҳаллий рейсларни ортиши ҳамда сайёхлар оқимини кўпайишини инобатга олиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги “Муниципал активларни бошқариш Маркази” ДУКга тегишли “Тошкент-2” халқаро терминали ва “Тошкент-3” маҳаллий катновлар терминалига туташ ҳудудларда жойлашган автомобиллар туараргоҳларини “Uzbekistan Airports” АЖга бериш тўғрисидаги таклифи маъкуллансин.

Давлат активларини бошқариш агентлиги (Ортиков) Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артиходжаев), Транспорт вазирлиги (Махкамов), “Uzbekistan Airports” АЖ (Джураева) билан биргаликда **бир ой муддатда** ушбу автомобиллар туараргоҳларини “Uzbekistan Airports” АЖнинг устав фондини ошириш ҳисобига белгиланган тартибда жамиятга берилишини таъминласин.

14. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари А.Раматов, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги (Хидоятов) “Ўзсувтазъминот” АЖ (Саифназаров), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артиходжаев) билан биргаликда **икки ой муддатда** Тошкент шаҳридаги ичимлик сув таъминоти ва окова сув тизимини трансформация қилиш, ичимлик сувини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг ақлли ускуналарини харид қилиш ҳамда сув таъминоти соҳасида малакали ходимларни тайёрлаш тизимини ривожлантириш бўйича тегишли норматив-хукукий ҳужжат лойиҳаларини пухта ишлаб чиқиб, молиялаштириш манбаларига аниқлик киритган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

15. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артиходжаев, Рахмонов), Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (Обломуродов), бириктирилган вазиликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари пойтахтда “Яшил макон” дастури ҳамда “маҳаллабай” ишлаш тизими доирасида маҳаллалардаги кўчалар ва ариқлар бўйларига, кўп қаватли уйлар атрофига экилган манзарали ва мевали дарахтлар, кўчатлар ва қаламчаларни ўз вақтида суғориш ва парваришлиш ишларини ташкил этсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артиходжаев) Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (Обломуродов), Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Бакиров) билан биргаликда **икки ой муддатда** илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, пойтахтнинг яшил қиёфасини яхшилаш, аҳолининг табиатга бўлган эътиборини янада кучайтириш, Тошкент шаҳрини дунёнинг етакчи яшил шаҳарларидан бирига айлантиришга каратилган “Тошкент шаҳри – яшил майдон” ғоясини амалга ошириш бўйича **Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини** пухта ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсан.

16. Ички ишлар вазирлиги (Бобожонов) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Шерматов), манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда **бир ой муддатда** ички ишлар органлари фаолиятига ракамли технологияларни кенг жорий этишга доир куйидагилар:

туман (шахар) ички ишлар органларида ахборот технологиялари билан ишларни ташкил этишгә масъул ходим лавозимларини киритиш ҳамда рақамлаштириш жараёнларини самарали таъминлаш;

Ички ишлар вазирлиги Ситуацион-таҳлилий маркази фаолиятини тизимли, тўлақонли ва мақсадли йўлга қўйиш бўйича зарур ташкилий-тузилмавий ва интеграция чора-тадбирларини ўз ичига олувчи концепция ва дастурини белгилаш;

навбатчилик хизматлари, профилактика инспекторлари, эксперт-криминалистика, тергов, тезкор-қидирув, пробация, патруль-пост ва йўл-патруль хизмати ходимлари учун Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент шаҳридаги “Инха” ва “Амити” университетларида **олти ойлик маҳсус ўқув курсларини** ташкил этиш;

ички ишлар органлари ходимлари томонидан ахборот технологияларидан фойдаланишга оид билим ва кўникма даражасини уларнинг фаолиятини **касбий баҳолаш тизимиға мезон сифатида** жорий этиш;

Ички ишлар вазирлиги Ситуацион-таҳлилий маркази тизимининг таҳлилий платформасини **Ички ишлар вазирлиги Академияси, Малака ошириш институти** ва **Жамоат ҳавфсизлиги университетининг** ўқув ва илмий-тадқиқот жараёнларига интеграция килиш;

ахборот технологияларини хизмат фаолиятига татбиқ этишда, шунингдек, рақамлаштиришда фаол иштирок этиб, самарали ҳиссасини кўшиб келаётган ички ишлар органлари ходимларини рағбатлантириш мақсадида уларнинг лавозим маошларига **кўшимча устамалар белгилаш** масалаларини назарда тутувчи **Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори** лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Ички ишлар вазирлиги (Бобожонов) Миллий гвардия (Джураев), Бош прокуратура (Йўлдошев), Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (Қўлдошев), Давлат божхона қўмитаси (Мавлонов), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Шерматов) билан биргаликда **бир ой муддатда**:

Ички ишлар вазирлиги Ситуацион-таҳлилий маркази платформасига давлат органларининг ахборот базаларини интеграция қилиш ҳамда ушбу ахборот тизимини ҳудудий ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятига боскичмабоскич жорий этиш бўйича туман (шаҳар)лар кесимида чораларни белгилаш;

кузатиб бориладиган обьектлар, жамоат жойлари ва маҳалларни комплекс мониторинг қилиш тизимини яратиш мақсадида видеокузатув камералари ва мониторинг тизимлари (қурилмалари)нинг ахборот оқими барқарорлигини таъминлаш учун қурилмаларга хизмат кўрсатиш, техник талаблар, абонент тўловларни ўз вактида тўлаш ва молиялаштириш манбаларини белгилаш;

аҳолининг фавқулодда-шошилинч чақирувларига хизмат кўрсатиш сифатини янги боскичга олиб чикиш мақсадида ички ишлар органларининг “102” автоматлаштирилган тизими негизида “112” ягона диспетчерлик хизмати фаолиятини йўлга қўйиш тадбирларини назарда тутувчи “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазири А.Н.Арипов мазкур “йўл харитаси”да белгиланган тадбирларнинг ижросини ҳар чоракда танқидий мухокама қилиб борсин.

18. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артиқходжаев) Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси (Ташпулатов), Тошкент шаҳар прокуратураси (Қосимов) уч ой муддатда пойтахтда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликни жиловлаш соҳасига рақамли таҳлил ва ситуациян бошқарув тизимини жорий қилиш бўйича “**Тошкент тажрибаси**”ни яратсин ҳамда пойтахтнинг 2 та тумани кесимида тақдимот материалларини тайёрлаб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

19. Бosh вазир ўринбосари А.Абдухакимов, Самарқанд вилояти ҳокимлиги (Турдимов), Ички ишлар вазирлиги (Бобожонов) уч ой муддатда Самарқанд вилоятига ташриф буюраётган туристлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган “**Самарқанд тажрибаси**”ни яратсин ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазирида тақдимот ўтказсин.

20. Ички ишлар вазирлиги (Тураходжаев, Абдуллаев):

**уч ой муддатда** Ички ишлар вазирлиги Ситуацион-таҳлилий маркази тизимининг ягона таҳлилий платформасини **Тошкент шаҳар** ягона бошқарув марказига татбиқ этиш;

**жорий йил якунига қадар** содир этиладиган ҳукуқбузарликлар, жиноятлар ҳамда криминоген вазиятларни сунъий интеллект ёрдамида “**маҳаллабай**” **ситуацион таҳлил қилиш ва прогнозлаш тизимини** яратиш ва амалиётга жорий этиш чораларини кўрсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Б.Исламов Ички ишлар вазирлиги (Бобожонов, Абдуллаев) билан биргаликда **бир ой муддатда** профилактика инспекторларининг фаолиятини янада самарали ташкил этиш мақсадида уларга иш натижалардан келиб чиқкан ҳолда лавозим маошларига қўшимча устамалар ўрнатиш бўйича асосланган хисоб-китоблар асосида таклифларни ишлаб чиқиб, киритсин.

22. Ички ишлар вазирлиги (Бобожонов) Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (Хаджаев) билан биргаликда оммавий ахборот воситалари орқали ички ишлар органларидаги ислоҳотларнинг натижадорлиги, шу жумладан “102” автоматлаштирилган тизимининг имкониятлари ҳақида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этсин.

23. Ички ишлар вазирлиги (Бобожонов) Ташки ишлар вазирлиги (Норов), Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (Тошқулов) билан биргаликда 2022-2023 йилларда эксперт-криминалистика соҳасидаги мутахассисларни тайёрлайдиган профессор-ўқитувчиларни замонавий экспертиза турлари бўйича етакчи хорижий муассасаларда малакасини ошириш чораларини кўрсинг.

24. Ички ишлар вазирлиги (Бобожонов) Молия вазирлиги (Ишметов) билан биргаликда:

**жорий йил 1 ноябрга қадар** туман (шаҳар) ички ишлар органлари эксперт-криминалистика бўлинмаларини криминалистик чемоданлар, ҳодиса жойларидан жиноят изларини аниқлаш учун маҳсус кукунлар, кимёвий моддалар ва бошқа сарф материаллари билан таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-122-сон карори ижроси юзасидан **жорий йил якунига қадар** микроавтобус негизида тўлиқ жиҳозланган **6 та ҳаракатланувчи криминалистик лабораторияларни** харид қилиш ва Ички ишлар вазирлиги Академияси, Сирдарё, Жizzах, Кашқадарё, Навоий ва Хоразм вилоятлари ички ишлар бошқармалари фаолиятида фойдаланишни ташкил этиш;

**2023 йил 1 сентябрга қадар** ички ишлар органлари жамоат хавфсизлиги хизмати бўлинмалари фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш мақсадида Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари хисобидан **12 000 дона** замонавий планшетларни харид қилиш;

**2022-2023 йилларда** ички ишлар органлари профилактика инспекторлари, патруль-пост ва йўл-патруль хизмати ходимларини Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари хисобидан **енгил зирхли нимчалар** билан таъминлаш чораларини кўрсинг.

25. Ички ишлар вазирлиги (Бобожонов, Абдуллаев) Молия вазирлиги (Ишметов), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артиқходжаев), Самарқанд вилояти ҳокимлиги (Турдимов), манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда **бир ой муддатда 2022-2025 йилларда йўл-патруль ва патруль-пост хизматлари бўлинмалари автомобиль паркининг 50 фоизини босқичмабосқич (биринчи навбатда, Тошкент шаҳар ва Самарқанд вилоятида) электромобиль билан таъминлаш чораларини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.**

26. Ички ишлар вазирлиги (Бобожонов, Абдуллаев), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Шерматов) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги ПҚ-3989-сонли қарори ижроси юзасидан **жорий йил 1 сентябрга қадар 300 дона, 2023 йил 1 августга қадар 700 дона** кўк ва кизил рангли ялт-ялт этувчи чирок-маёқча, маҳсус товушли ишоралари ҳамда автоматлаштирилган жамоат тартибини назорат қилиш ва йўл харакати қоидабузарликларини аниқлаш мосламаларини олиб келиб ўрнатиш ва амалиётга жорий этилишини таъминласин.

27. Андижон вилояти ҳокимлиги (Абдураҳмонов), Наманган вилояти ҳокимлиги (Абдураззоқов), Фарғона вилояти ҳокимлиги (Бозаров), Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Шерматов), Ички ишлар вазирлиги (Абдуллаев) билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги ПҚ-3989-сонли қарори ижроси юзасидан **2022 йил 1 сентябрга қадар ҳукуқбузарликларни фото-видео қайд этиш ва ҳудудни назоратини амалга оширишга мўлжалланган “SR-290” русумли 407 та комплекс мосламаларни тегишли ҳудудларга ўрнатиш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш чораларини кўрсин.**

28. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артиқходжаев) пойтахт ички ишлар органларининг барча профилактика инспекторлари учун, Ички ишлар вазирлиги (Бобожонов) Самарқанд шаҳар ички ишлар органлари барча профилактика инспекторлари учун маҳалла ҳудудида ҳаракатланиш мақсадида **2022 йил якунига қадар** электроскутерлар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

**✓ 29.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 4 апрелдаги “Автомобиль йўлларида инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш ва ўлим холатларини кескин камайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-190-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида:

**✓** а) Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар, туман (шаҳар)лар ҳокимликларига:

максус эксплуатация-монтаж бўлинмаларининг бино ва иншоотларини, уларнинг ёндош ҳудудлари, моддий-техника базасини, шу жумладан, янги замонавий максус техника билан таъминлашни тегишли маҳаллий бюджет маблағлари хисобидан амалга оширилишига ёки ушбу тадбирларни амалга ошириш учун зарур маблағларни “Хавфсиз йўл ва ҳавфсиз пиёда” республика жамғармасига ўтказишга;

ўз ҳудудларидаги автомобиль йўл ҳаракати қоидлари бузилишини қайд этувчи максус автоматлаштирилган фото ва видео дастурий-техник воситаларини, шунингдек, жамоат тартибини саклаш учун видеокузатув дастурий таъминотларни ўрнатиш учун маҳаллий бюджет маблағлари хисобидан сарф-харажат қилишга;

**✓ б) Ички ишлар вазирлигига:**

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати моддий-техника базасини ривожлантириш, ходимларини рағбатлантириш ва мукофотлаш жамғармаси маблағлари хисобидан йўл-патруль хизмати ходимлари учун алкотестр, электромобиль, электршокер, планшет, транк радиоалоқа воситалари ва бошқа зарур жиҳозларни ҳарид қилишга;

“Хавфсиз йўл ва ҳавфсиз пиёда” республика жамғармаси маблағлари хисобидан максус эксплуатация-монтаж бўлинмалари бино ва иншоотларини куриш, таъмираш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишларини амалга оширишга рухсат берилсин.

**30. Ички ишлар вазирлиги (Бобоҷонов), Молия вазирлиги (Ишметов):**

**жорий йилда** ички ишлар органлари патруль-пост хизмати ходимлари ва профилактика инспекторларининг **янги намунадаги кундалик кийим-бошини** синов тариқасида Тошкент шаҳар ва Самарқанд вилоятида жорий этиш, ижобий натижа берган тақдирда **2023 йилдан бошлаб** республиканинг барча ҳудудларида тўлиқ жорий этиш чораларини кўрсин;

ички ишлар органлари хавфсиз туризм бўлинмалари ходимларининг **янги намунадаги кундалик кийим-боши** маъқуллансин ва метрополитенда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари ходимларига жорий этиш чораларини кўрсин.

**31. Ички ишлар вазирлиги (Бобоҷонов)нинг:**

а) Яшнобод тумани, Уйсозлар кўчасида жойлашган Тошкент шаҳар ҳокимлигига тегишли умумий ер майдони 3,0 гектардан иборат қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотларни кинология хизмати хизмат иллари наслчилик питомнигини ташкил қилиш учун Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасига бериш;

б) Яшнобод тумани, “Кўксарой” МФЙ, Чигил кўчасида жойлашган Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси балансидаги бўш турган бино ва иншоотлар ўрнида ички ишлар органлари ходимлари учун кўп қаватли турар-жой биносини барпо этиш;

в) Янгихаёт тумани, “Бинокор” МФЙ, Сохил кўчаси, 11а-уй манзилида жойлашган маҳаллий ҳокимлик балансидаги собик маҳалла биносини реконструкция килган ҳолда, Янгихаёт туманидаги 4-сон ички ишлар бўлимини жойлаштириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Давлат активларини бошқариш агентлиги (Ортиков) Ички ишлар вазирлиги (Бобожонов), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артикходжаев) билан биргаликда **бир ой муддатда** мазкур бандда назарда тутилган бўш турган ва қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотларни ички ишлар органларининг моддий-техника базасини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасига оператив бошқарув хукуки билан берилишини таъминласин.

32. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артикходжаев), Курилиш вазирлиги (Закиров)нинг аҳолига янада қулайликлар яратиш ҳамда янги савдо, хизмат кўрсатиш ва сервис объектлари фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида:

Миробод тумани, Туркистон ва Ойбек кўчалари кесишувидаги 12а-уй манзилидаги ер майдонида барпо этилган кўп қаватли автотураргоҳ фаолиятига қўшимча равишда замонавий архитектура ечимларини қўллаган ҳолда,офис бинолари ва хизмат кўрсатиш объектларини жойлаштириш;

Яккасарой тумани, Кўшбеги кўчаси, 18а-уй ва “Салар” канали оралиғида замонавий савдо мажмуаси объектини барпо этиш лойихаси ишлаб чиқилганлини инобатга олиб, ушбу ер майдони чегараларини шахарсозлик нормаларига мувофиқлаштириб, қайта тасдиқлаш (корректура килиш) тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

33. Тошкент вилояти ҳокимлиги (Мирзаев) Давлат солик кўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги (Пулатов) билан биргаликда **бир ой муддатда** Мирзо Улуғбек тумани, Ўқитувчилар кўчаси худудидан якка тартибдаги уй-жой қуриш учун ажратилган 29, 35, 46, 175, 176, 179 ва 180-сонли ер участкалари давлат ва жамоат эҳтиёjlари учун олиб қўйилиши муносабати билан ушбу мулкдорларга, истисно тарикасида, Тошкент шаҳар ҳокимлиги тавсияси асосида Тошкент вилояти, Қиброй тумани, Дўрмон қишлоғи худудидан зарур ер участкалари ажратиб берилишини таъминласин.

34. Мазкур баён топширикларининг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва унинг ўринбосарлари А.Ж.Раматов, Ж.А.Қўчкоров, С.У.Умурзаков зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамаси амалга оширилган ишлар юзасидан **хар чорак якуни бўйича** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Ижро аппаратига, шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Артиқходжаев), Ички ишлар вазирлиги (Бобоҷонов), мутасадди вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, **хар ой якуни бўйича** Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига батафсил ҳисобот берив борсин.

Ҳисоб палатаси (Турабов) ушбу баён топширикларининг белгиланган муддатларда ва сифатли бажарилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига мунтазам равишда ахборот киритиб борилишини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазари**

А.Арипов

2022 йил “13” май

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Администрацияси  
раҳбари**

З.Низомиддинов

2022 йил “13” май